

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

---

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

---

# LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакесва Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Сайнова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнур Эшимбасқовна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доцент,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>23. Berdiyev A.A.</b> BUXORO AMIRLIGINING XVIII- XIX ASRLARDA TASHQI SAVDOSI VA DIPLOMATIK ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR.....	198
<b>24. Ботиров Э.</b> МУҒУЛЛАРДАН ТЕМУРИЙЛАРГАЧА: БОЖХОНА ВА БОЖ СОЛИҚЛАРИ ТАРИХИДАН.....	208
<b>25. Валихонова Г. К.</b> РУС САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА МУНОСАБАТЛАРИ.....	214
<b>26. Ганиева Ч.Х.</b> МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МАДАНИЙ-ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	220
<b>27. Давлатова Ш.</b> АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ МАНБА.....	227
<b>28. Ёдгоров З.Ш.</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ.....	233
<b>29. Жахонов Т.</b> ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИНИ ЎРГАНИЛИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (XX аср 70-йилларига қадар).....	239
<b>30. Жўраев А.</b> ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	244
<b>31. Zupunova G.</b> ONALIK MAROSIMI: TOSHKENT TATARLARINING QARASHLARI VA E'TIQODLARI.....	249
<b>32. Инатов М.Н.</b> XX АСР 20-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	261
<b>33. Кариева Н.А.</b> РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ Н.А.СЕВЕРЦОВНИНГ ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	269

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


<b>34.Канимкулов О.Ш.</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ҲАМДА АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯҲЁ ФУЛОМОВ ХИЗМАТЛАРИ.....	278
<b>35.Камолов Ж.М.</b> ЭФТАЛИТЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ.....	286
<b>36.Курязова Д.</b> ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ....	292
<b>37.Қурбонов Ф.Н., Шоев И.Х.</b> БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ - КЎРИҚХОНАСИ ЖАМЛАНМАСИДАГИ ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДАВРГА ОИД ТАНГАЛАР ВА ТАНГА ХАЗИНАЛАРИ (НУМИЗМАТИК ТАҲЛИЛ).....	299
<b>38.Исматова Н.К.</b> ЯНГИЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР (1989-2020 йиллар).....	307
<b>39.Исматуллаев Ф.О.</b> ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	319
<b>40.Кадирова М.Т.</b> МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....	329
<b>41.Каромов Ф.Ҳ.</b> ТУРКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....	334
<b>42.Мажидов Ш.Ф.</b> МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ЭТНОСИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ЕИ ТАЖРИБАСИ (2000-ЙИЛЛАР БОШИ).....	340
<b>43.Мамадаминова Б.</b> ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....	345
<b>44.Mattiyev O'.B.</b> TURKISTONDAGI AFG'ON MUHOJIRLARI FAOLIYATINING GENERAL GUBERNATORLIK DAVRI HUUJATLARIDA YORITILISHI.....	353

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Инатов Мурот Ниятович,**  
тарих фанлари номзоди,  
"Ўзбекистон тарихи" кафедраси доценти  
Ислом Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети

## XX АСР 20-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

*For citation: Inatov Murat Niyatovich. DEMOGRAPHIC ISSUES IN UZBEKISTAN IN 20-YEARS IN THE XX IN CENTURY. Look to the past. 2020, vol. SI, pp.261-268*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-32>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада XX асрнинг 20-йилларида Ўзбекистондаги демографик вазият, унинг хусусиятлари, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги тафовут, аҳоли бандлиги масалаларига эътибор қаратилади. Бундан ташқари аҳолининг миллий таркиби, ёш таркиби билан боғлиқ жараёнлар ўрганилган. Республика аҳолисининг ўсиш суръатлари, унинг сабаблари таҳлил этилган. Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш натижалари асосида республикада миграцион жараёнлар ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Аҳоли рўйхати, аҳолишунослик, этник таркиб, ҳудудий чегараланиш, округ, районлаштириш, Бутуниттифоқ, иммиграция, Ўрта Осиё, миллий озчилик, миллий қатлам

**Инатов Мурот Ниятович,**  
кандидат исторических наук,  
доцент кафедры "Истории Узбекистана"  
Ташкентского государственного технического  
университета имени Ислама Каримова

## ВОПРОСЫ НАРОДОНАСЕЛЕНИЕ В УЗБЕКИСТАНЕ 20-ГОДЫ XX ВЕКА

**АННОТАЦИЯ**

Статье рассматриваются вопросы народонаселение Узбекистана 20-годы XX столетие в том числе, отличительные черты население городов и сельской местности, трудовое нанятость. Кроме этого, в статье рассматривается национальной, возрастной состав население. Анализируется рост население и его причины. Широко используя материалы Всесоюзной переписи население 1926 года изучает миграционные процессы в Узбекистане.

**Ключевые слова:** Перепись население, демография, этнический состав, территориальное размежевание, округ, районирование, Всесоюзный, иммиграция, Средняя Азия, национальная меньшинство, национальный слой

**Inatov Murat Niyatovich,**

Doctor of Philosophy in Historical Sciences (PhD),  
The Tashkent state Technical university named Isлом Karimov,  
Department History of Uzbekistan

**DEMOGRAPHIC ISSUES IN UZBEKISTAN IN 20-YEAR IN THE XX CENTURY****ABSTRACT**

The article focuses on the demographic situation in Uzbekistan in the 20s of the 20th century, its peculiarities, the differences between urban and rural population, and employment. In addition, the processes related to the national composition and age composition of the population are studied. The population growth rates of the republic and its causes are analyzed. Migration processes are studied in the country based on the results of the alliance census.

**Index Terms:** Population census, demography, ethnic composition, territorial boundaries, county, zoning, Alliance, immigration, Central Asia, national minority, national layer.

Долзарблиги. Мустақиллик йилларида тарих фани, уни ўрганишга муносабат тубдан ўзгарди. Ватан тарихининг турли даврларига ёндашув янги аҳамият касб этмоқда. Тарихчи олимлар олдида тарихимизнинг у ёки бу даврларига оид жараёнларни тадқиқ этиш, умумлаштириш ва ҳаққоний хулосалар беришдек масъулиятли вазифа юкланган. Ватан тарихининг энг зиддиятли даврларидан бири бу ўтган асрнинг 20-30-йиллари бўлиб, бу даврни ўрганиш тарихчи олимлар ва ёш тадқиқотчиларга чуқур тадқиқотлар олиб боришни тақоза этмоқда. Аҳолишунослик масалалари, уни ўрганиш, масалалари кўпчилик олимларнинг тадқиқот объектига айланган. Бу давр аҳолишунослиги масалаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда аҳоли таркиби, унинг ўсиш кўрсаткичлари ўзгарувчан бўлиб, унга ташқи миграция таъсири юқори бўлганлигини кузатиш мумкин. Бу даврда республикага иш излаб келувчиларнинг ихтиёрий оқими, мажбурий кўчирилиш жараёнлари аҳоли таркибидаги ўзгаришлар омиларига айланган. Аҳолини рўйхатга олиш натижалари ҳам буни исботлайди.

2. Методлари ва ўрганилиш даражаси:

Аҳолишунослик масалаларини ўрганиш тарихий тадқиқотларнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, тадқиқотчилар томонидан мавзу турли аспектларда ўрганилган. О.Ата-Мирзаев, В.Гентшке, Р.Муртазоевалар тарихий йуналишда,

С.И.Фролов, Ю.Н.Кривоноговлар иқтисодий аспектда, И.Муллажонов статистик маълумотлар асосида ўрганишган. Бундан ташқари Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари, Ўзбекистонни районлаштириш бўйича маълумотлар ва бошқа статистик маълумотлар мавзу доирасида муҳим ҳисобланади.

1924 йил Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиши натижасида Ўзбекистон ССР ташкил топди. Ўзбекистон ССР таркибига Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг (Зарафшон воҳаси ва Фарғона водийси), Хоразмнинг (Хоразм воҳасининг асосий қисми), Бухоронинг (бутун шимоли-ғарби) ва Сирдарё вилоятининг (Тошкент ва Мирзачўл районлари) иқтисодий жиҳатдан энг муҳим қисмлари кирди.

Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиши натижасида мавжуд бўлган учта давлат бирлашмаси - Туркистон Республикаси, Хоразм Халқ совет Республикаси ва Бухоро Халқ совет Республикаси тугатилди. Будадавлат бирлашмаларининг таркибида бўлган ҳудудлардан Ўзбекистон таркибида дастлаб етти вилоят: Тошкент (Сирдарё), Фарғона, Самарқанд, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм, ҳамда асосан қозоқлар яшайдиган Конимех районлари ташкил топди..

Маълумки 1926 йилда Ўзбекистонда районлаштириш деб юритилган маъмурий бўлиниш ислоҳоти ўтказилди. Районлаштириш Ўзбекистон ҳудудларини хўжалик юритишнинг яхлит тизими, суғориш тармоқларининг бирлиги асосида мувофиқлаштириш билан бир қаторда, республикада маъмурий бошқарувни соддалаштириш ва уни аҳолига яқинлаштиришни назарда тутган эди. Шунга кўра бошқарувнинг тўрт бўғинли шакли: вилоят, уезд, волост, қишлоқ совети ўрнига, уч бўғинли, яъни округ, район, қишлоқ советлари билан алмаштирилди. Районлаштириш натижасида Ўзбекистонда пойтахти Самарқанд шаҳри бўлган 10 та, жумладан Тошкент, аввалги Фарғона вилояти ўрнида Фарғона ва Андижон, Хўжанд, Бухоро, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм округлари ҳамда битта автоном қозоқ райони - Конимех ташкил этилди [1, Б. 1.].

Ўзбекистон территорияси, Тожикистондан ташқари 183438 кв.км.дан иборат эди. Аҳоли сони ва зичлигига кўра Ўзбекистон Ўрта Осиё республикалари ўртасида биринчи ўринни эгаллар эди.

1926 йили ўтказилган Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра республикада 4 млн. 621 минг киши яшарди. Бу 1917 йилга нисбатан атиги 135 минг кишига кўп эди. Бу даврда, яъни 1917-1926 йилларда аҳолининг ўртача ўсиш даражаси атиги 0,33 % ни ёки йиллик ўртача кўпайиши 15 минг кишини ташкил қилди. XX асрда Ўзбекистоннинг янги демографик ривожини тадқиқ қилган олимлардан О. Отамирзаев, В.Гентштке, Р. Муртазаевалар қайд этганларидек, ўша даврнинг мураккаб демографик ҳолати асосида совет тузуми қурилишининг дастлабки йилларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳвол ётар эди. Маълумки, октябрь давлат тўнтариши шафқатсиз қарама-қаршилиқлар, иқтисодий таназзул, вайронгарчилик ва очликни келтириб чиқарди. Натижада кўплаб туб аҳоли ҳалок бўлди, жисмонан йўқ қилинди, кишилар ўз ватанларини тарк этдилар. Республиканинг туб аҳолиси сони камайиб кетди. Ўзбекистон аҳолисининг сонида айрим ўсиш юз бериши республикага Россия, Украина ва иттифоқнинг бошқа ҳудудларидан европалик аҳолининг кўчиб келиши билан изоҳланади. Ўзбекистонда яшаётган аҳолининг бу ердаяшаш доимийлиги ҳақида 1926 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш натижалари ҳам гувоҳлик беради. Масалан, агар 1926 йилда Ўзбекистонда 383 мингдан зиёд киши

ёки мамлакат умумий аҳолисининг 8,6 фоизини туб жойли бўлмаганлар ташкил этган бўлса, улардан 30 фоизигина республикада 10 йилдан зиёдроқ яшаганларни ташкил этган, 34,6 фоизи эса Ўзбекистонга 1926 йил аҳоли рўйхати ўтказилишидан бир-икки йил аввал келиб ўрнашган. Шу далилнинг ўзиёқ мамлакатимизга кўчиб келувчилар оқими совет давлати миллий республикаларида мустабид тузум ўрнатилишининг дастлабки даврларидаёқ кескин ўсганлигини кўрсатади [2, Б. 13-15].

Бундан кейинги йилларда Ўзбекистонга четдан кўчиб келишлар Россияда авж олган очарчилик, оммавий қатағонлар ва таъқиб қилишлар туфайли жуда кучайиб кетди.

1930 йилда яратилган С.И.Иванов ҳамда Ю.Н. Кривоноговларнинг "Ўзбекистан" асарида таъкидланганидек: "Аниқ айтиш мумкинки, Ўзбекистон унга доимий ёки вақтинчалик яшаш учун, асосан катта шаҳарларга кўчиб келган руслар ва СССРнинг Европа қисмидаги бошқа халқларнинг катта оқими ҳисобига йилига аҳоли механик ўсишининг сезиларли даражасига эга.

Бу иммиграциянинг асосий оқимини Волга бўйи губерниялари - (Самара, Саратов, Ульянов)дан Ўзбекистонга осонроқ пул топиш илинжида келган деҳқонлар ташкил қилади. Бундан ташқари ҳар йили Ўзбекистоннинг Фарғона ва Андижон вилоятларига пахта ҳамда бошқа дала ишларида ишлаш учун Хитой Туркистонидан бир неча минг қашғарликлар келади" [3, Б.46].

20-йиллар охирларида ишчи кучларининг етарли миқдорда мавжудлиги сабабли Ўзбекистон ҳукумати Фарғона водийсига кўчиб келишларни чеклаб қўйди. Бу даврда туб жой аҳолининг табиий кўпайиши ҳам ўсиб борди. Буларнинг барчаси Республикада аҳоли сонининг ўсиб боришини белгилади (1- жадвалга қаранг).

1 - жадвал

1925 - 1930 йилларда Ўзбекистон аҳолиси сонининг ўсиши кўрсаткичи (минг киши) [4, Б.10].

Йиллар	Барча аҳоли
1925	4418
1926	4621
1927	4565
1928	4673
1929	4786
1930	4926

Жадвалдан кўринадики, 1925-1930 йилларда Ўзбекистон аҳолиси сон жиҳатидан ўсиб борган. Фақат 1927 йил бундан мустасно. Бу Фарғона водийсига иш излаб келувчи аҳолининг чеклаб қўйилиши билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Ўзбекистон аҳолисининг табиий ва механик ўсиб боришидаги ўзига хосликлар унинг миллий таркибида ҳам ўз ифодасини топди.

1926 йилги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, Республикада 65 дан зиёд миллатлар яшагани ҳолда, туб жойли аҳоли уларнинг 91,4 фоизини, маҳаллий бўлмаганлар 8,6 фоизини ташкил қилган [5, Б.97]. Республиканинг асосий халқи ўзбеклар умумий аҳолининг 75 фоизга яқинини ташкил этган. Ўзбеклардан ташқари рўйхатдан ерли халқлар сифатида тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, қурамадар, уйғурлар, қипчоқлар, араблар, қорақалпоқлар,

туркманлар, турклар, Ўрта осийлик яҳудийлар, форслар, эронликлар, қошғарликлар ва бошқалар ҳам ўтганлар [6, Б.119].

Рўйхатдан кўриниб турибдики, аҳолининг бир қисми ўзини этноним билан эмас, балки уруғ номлари билан кўрсатган.

ЎзССР МИК районлаштириш бўйича Комиссиясининг Ўзбекистон территориясида халқларнинг жойлашуви бўйича қайдлари ҳам катта аҳамиятга эга. Жумладан, унинг материалларида баъзи округларда ўзбекларнинг сони ўзгариб тургани қайд этилади. Масалан, Хоразмда ўзбеклар округ умумий аҳолисининг 97,4 фоизини ташкил қилгани ҳолда, Хўжанд округида бу кўрсаткич 29,9 фоизга тушиб кетган. Қашқадарё, Зарафшон, Бухоро ва Фарғона округларида ўзбекларнинг ялпи миқдори 80 дан 83 фоизгача ўзгариб турган. Миллий озчиликни ташкил қилган тожиклар ушбу 4 округда 6 дан 9,5 фоизгача, Бухорода араблар - 5 фоизни, туркманлар - 3,2 фоизни, Қашқадарёда туркманлар - 4,1 фоизни, Зарафшонда - 5,5 фоизни ташкил қилган. Русларнинг сони фақат Фарғонада сезиларли (3,7 фоиздан иборат) бўлган. Ўзбекларнинг миқдор жиҳатидан камайиб бориши Самарқанд, Сирдарё, Андижон округларида ҳам кузатилади. Бу ерларда ўзбеклар аҳоли сонининг 73 дан 75 фоизгача бўлган миқдорини ташкил этади. Бошқа миллат вакилларида Самарқандда тожиклар - 14,5 фоизни, руслар - 4,5 фоизни; Сурхондарёда тожиклар - 20,2 фоизни, туркманлар - 3,8 фоизни; Андижонда қирғизлар - 7,9 фоизни, қипчоқлар - 5,2 фоизни ва уйғурлар - 3 фоизни ташкил қилган. Фақатгина Хўжанд округида [7]. ўзбеклар сон жиҳатидан кам бўлиб, тожиклар эса умумий аҳолининг 64,2 фоизини ташкил этган. Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш керакки, 1929 йил май ойида ҳукумат томонидан Хўжанд округини Тожикистон АССР таркибига ўтказиш масаласи кўриб чиқилди ва октябрда Тожикистон иттифоқдош республикага айлантирилди. Тошкент округида аҳоли умумий сонига нисбатан олганда ўзбекларнинг миқдори: 57 фоизни, руслар - 16,3 фоизни, қозоқлар - 13,9 фоизни ва қурамалар - 5,9 фоизни ташкил қилган. Шаҳарларда, асосан, ўзбеклар, тожиклар ва руслар истиқомат қилишган. Умуман, Ўзбекистонни районлаштириш материаллари республика аҳолисининг миллий жиҳатдан қуйидагича тақсимланишини кўрсатади (жамига нисбатан фоиз ҳисобида) [8, Б.8-9].

2-жадвал

#### Республика аҳолисининг миллий таркиби

Миллатлар	Шаҳарда	Қишлоқларда	Жами
Ўзбеклар	63,6	77,5	74,3
Тожиклар	13,7	7,7	9,1
Руслар	12,7	0,6	3,3
Қозоқлар	0,5	2,9	2,4
Қизғизлар	0,0	2,5	2,0
Араблар	0,1	1,5	1,2
Туркманлар	0,0	1,4	1,1
Қурамалар	0,0	1,0	0,8
Қипчоқлар	0,0	1,1	0,8
Қорақалпоқлар	0,0	0,7	0,5
Уйғурлар	0,0	0,6	0,5
Бошқалар	9,4	2,5	4,0
Жами:	100,0	100,0	100,0

Бу жадвалда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг миллий таркиби динамикаси берилган бўлиб, унга кўра шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг асосий кўпчилигини ўзбеклар, тожиклар ташкил этади.

Руслар асосан шаҳарларда, қолган миллий қатламлар асосан қишлоқларда истиқомат қилишган бўлиб, улар асосан туб жойли аҳолидир.

Бу даврда аҳоли жойлашувининг жинсий ва ёш жиҳатидан таркиби таснифи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки аҳоли жинсий ва ёш таркибининг ўзига хослиги бевосита мамлакат меҳнат омиллари шакллантириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Тарихан барча Ўрта Осиё республикаларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам эркаклар сони аёлларга нисбатан ортиқ бўлган. Республикада ўртача 1000 кишига 885 та аёл тўғри келган. Бу нисбатда шаҳар ва қишлоқ ўртасида бироз фарқ бор. Шаҳар аҳолиси учун 1000 эркакка 893 та, қишлоқда 1000 кишига 883 та аёл тўғри келган. Умуман олганда, Ўзбекистон аҳолисининг таркибида хотин-қизлар улуши камлигининг барқарорлиги бевосита улар орасида ўлимнинг кўплиги билан изоҳланади. Бунинг асосий сабабларидан бири туғилишнинг физиологик жиҳатдан ҳаддан зиёдлиги, тез-тез ва кўп фарзанд кўриш (10-15 бола) туфайли аёллар организмнинг табиий толиқишидир.

Иқтисодиёт нуқтаи назаридан аҳолининг ёш таркиби нисбатида неча фоиз аҳоли меҳнатга яроқли, ярим яроқли ёки яроқсиз эканлиги доимо асосий масала бўлиб келган. Меҳнатга яроқлилик эркаклар учун 16 дан 60 ёшгача, аёллар учун 16 дан 55 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади.

1927 йил 1 январига, яъни Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб, Ўзбекистонда 2 млн. 514 минг киши, бутун республика аҳолисининг 56 фоизи меҳнатга яроқли ёшда эди. Шаҳар аҳолиси учун бу кўрсаткич (умумга нисбатан) 56 фоизни, қишлоқ аҳолиси учун 57 фоизни ташкил этарди. Кўриниб турибдики, аҳолининг меҳнатга яроқли ёшда бўлган қисми шаҳар учун ҳам, қишлоқ учун ҳам деярли тенг эди [9, Б.6-7].

Умуман олганда, тадқиқ қилинаётган йилларда Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси кўпчиликини ташкил этадиган мамлакат бўлиб қолаверди.

### 1. 3 - жадвал

1925 - 1930 йилларда Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сонининг ўсиш кўрсаткичи (минг киши [10, Б.10]).

Йиллар	Шаҳар аҳолиси	Қишлоқ аҳолиси	Жами аҳоли
1925	955	3463	4418
1926	1012	3609	4621
1927	925	3640	4565
1928	968	3705	4673
1929	1015	3771	4786
1930	1077	3849	4926

Ушбу даврда Ўзбекистон демографик ҳолатига хос хусусиятлардан бири қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг доимий ўсиб бориши бўлди. Истисно сифатида айтиш керакки, 1927 йилда шаҳар аҳолисининг умумий нисбатда камайиши кузатилади. Бироқ бу аҳоли умумий сонининг ялпи миқдорига таъсир қилмади. Шаҳар аҳолисининг кўпайиши 1926 йилда бўлганидек, 1930 йилда ҳам 21,9 фоизни ташкил қилди.

## 4.Хулосалар:

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки:

1. XX асрнинг 20-йилларидаги демографик ҳолат, ундаги кечаётган жараёнларни таҳлил этиш;
2. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги тафовут;
3. Аҳолининг миллий таркиби,
4. Аҳоли бандлиги;
5. Аҳоли сонининг ўсиши;
6. Республикада кечган миграцион жараёнлар ва бошқалар ҳақида маълумотлар тўплаш, таҳлил этиш ва умумлаштиришга имкон берди.

Умуман олганда аҳолишунослик муаммоларм барча даврларда муҳим аҳамият касб этиб келган. XX аср 20-йилларидаги республика аҳолишунослиги тадқиқотлари шуни кўрсатадики, бир томондан шўроларнинг руслаштириш сиёсати кучайишда давом этса, иккинчи томондан мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бандлик масалаларига етарли аҳамият қаратилмади.

### Иқтибослар/Сноски/References:

[1] Materials on zoning of Uzbekistan. Edition II. Samarkand, 1926, pg. 1. (Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск II. Самарканд, 1926, с.1).

[2] Ata Mirzayev O, Gentshke V., Murtazayeva R. Uzbekistan is a lot of national: historical and demographic aspect. Tashkent: publishing house of medical literature. 1988, pg 13-15. (Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан много национальный: историко-демографический аспект. Ташкент: Изд-во медицинской лит-ры. 1988, с. 13 - 15.).

[3] Frolov S.I., Krivonogov Y.N. Uzbekistan. Establishment for the study Economy. Uzbekgosizdat, 1930, pg. 46. (Фролов С.И., Кривоногов Ю.Н. Узбекистан. Пособие по изучению экономики края. Узбекгосиздат, 1930, с. 46.).

[4] National economy of the Uzbek SSR for 70 years of Soviet power. T.: "Uzbekistan", 1987, pg 37. USSR population. 1987, static compilation. M., Finance and static, 1988, pg. 10. (Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти. Т.: "Узбекистан", 1987, с. 37. Население СССР. 1987, статистический сборник. М., Финансы и статистика, 1988, с. 10.).

[5] All-Union population census 1926 y. - Moscow, 1927, T. 49. Pg.97.

(Всесоюзная перепись населения 1926 г. -Москва, 1927, Т. 49. с. 97.).

[6] Mulladjanov I. Population of the Uzbek SSR. Directory. Tashkent.: Uzbekistan. 1989, pg. 119. (Мулладжанов И. Население Узбекской ССР. Справочник. Ташкент.: Узбекистан. 1989, с. 119.).

[7] In may 1929 the issue of Khojand district being included in the Tajik ASSR was considered, In October of the same year, it was reorganized into an allied republic and seceded from Uzbekistan. (1929 йилнинг май ойида Хўжанд округини Тожикистон АССР таркибига киритиш масаласи кўриб чиқилди, шу йилнинг октябрида иттифоқчи республикага айлантирилди ва Ўзбекистон таркибидан чиқди).

[8] Materials on zoning of Uzbekistan.- Samarkand.:/ Publishing by CSU UzSSR. 1926, Edition 1. Pg 8-9. (Материалы по районированию Узбекистана. - Самарканд.: /Под. Ред. ЦСУ Уз ССР. 1926, Вып.1. с.с. 8 - 9.).

[9] All-Union population census 1926, - M.: Publishing by CSU union SSR, 1930,

Т. XXXIV. Рg.6-7. (Всесоюзная перепись населения 1926, - М.: Изд. ЦСУ союза ССР, 1930, Т. XXXIV с.с. 6 - 7.).

[ 0] Population of the USSR. 1987. Static compilation.pg.10. (Население СССР. 1987. Статистический сборник. с. 10..).

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

### МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000